ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI
ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ MÁDENIYAT HÁM TURIZM MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ NÓKIS FILIALÍ

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ

ilimiy-metodikalıq jurnal

MUSÍQA VA SAN`AT AXBOROTNOMASI
Ilmiy-uslubiy jurnal
ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА
Научно-методический журнал

BULLETIN OF MUSIC AND ART
Scientificmethodical journal

№ 1

SHÓLKEMLESTIRIWSHI:

Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filialı

Bas redaktor: – Allanbaev Rudakiy, professor w.w.a
Bas redaktor orınbasarı: – Kamalova Dilfuza, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD)
Juwaplı xatker: – Gúlmira Palwanova

REDKOLLEGIYA AǴZALARI:

Omonilla Rizaev – Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyatı institutı, professor w.w.a.
Hikmat Rajabov – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filialı, professor w.w.a.
Sayyora Ǵafurova – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası, professor
Oydin Abdullaeva – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası, professor.
Qurbanbay Jarimbetov – Qaraqalpaq mámleketlik universiteti, professor.
Alima Berdimuratova – Qaraqalpaq mámleketlik universiteti, professor.
Ziyada Bekbergenova – ÓzR IA Qaraqalpaqstan bólimi, professor.
Oqilxon Ibragimov – Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyat institutı, professor.
Azizbek Turdiev – Ózbekstan Respublikası Oliy Majlis Senatmn jaslar, mádeniyat hám sport máseleleri komiteti baslıǵı orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD).
Allanazar Ábdiev – Filologiya ilimlerinin kandidatı, Qaraqalpaqstan Respublikası xalıq jazıwshısı
Artıqbay Erejepov – Nókis qalalıq 1-sanlı balalar muzıka hám kórkem óner mektebi, pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD).
Janabay Marziyaev – Qaraqalpaq mámleketlik universiteti, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD), docent.
Iroda Mirtalipova – ÓzMK janındaǵı B.Zokirov atındaǵı MEKÓI, kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD).

JÁMIYETLIK KEŃES:

Baxtiyor Sayfullaev
Ozodbek Nazarbekov
Komoliddin Urinbaev
Dawıtbay Qurbaniyazov
Qalbay Turdiev
Najimatdin Muxameddinov
Najimatdin Ansatbaev
Gúlistan Annaqlicheva
Rayxan Saparova
Paraxat Mamutov

ISSN — 2181-4112

MAZMUNİ

Алланбаев Р. Миллий мәдеииятымызды раўажландырыў жолында және бир қәдем 3

MUZİKATÁNİW

Мамутов П.А. Замангөй музыка тәлим системасын жетилистириўде руўхыйлықтың орны 5
Пахратдинов Ш. Работа над произведением крупной формой 10
Sayidov T. D. Xonandalik ovozining fiziologik va akustik xususiyatlari 14
Мирталипова И.М. Ҳинд мусиқа назариясидаги товушқатор структураларига бир назар 16
Raimova D.M. O'rta Osiya musiqa cholg'ularining paydo bolish tarixi 20
Расулов М.М. Мусиқа, теле ва радио дастурларнинг муҳим компоненти ва композицион омили сифатида (тембр, темп, ритм, импульсивлик мисолларида) 23
Matyakubova U.G'. V-XV asrlar markaziy Osiyada musiqa madaniyatining nazariy asoslari 28

KÓRKEM ÓNER

Ражабов Ҳ.Ж. Арсланбай Нажимов ижодига бир назар... 33
Matimuratov S.E. Qaraqalpaq kompozitorı Kenesbay Abdullaev dóretiwshiligi haqqında 35
Qutekeeva R.A. Qaraqalpaq kórkem ónerinde Ilish Xojametovtıń tutqan ornı 39
Allaniyazov B.Q. Muzıka kórkem ónerinin bayteregi *(Kompozitor Najimatdin Muxammeddinovtıń ómiri hám dóretiwshiligi haqqında)* 44
Чаршемов Ж.А. «Қоблан» балетининг композицион хусусияти 48
Абдуллаева Ш.С. Труд все побеждает 57
Abatbaeva R.A. Qaraqalpaq kórkem ónerinde kompozitor Gayıp Demesinovtıń tutqan ornı 61
Палўанова Г.А. «Аязий» драмасында қаҳарман характерин сәўлелендириўдиц өзине тән қәсийетлери 65
Палўанова Г.А. Қарақалпақстанда театр режиссурасының пайда болыўындағы миллий дәреклер 68
Muxammeddinov Q. Milliy opera hám balet janrdagı tariyxıy shıgarmalar 71
Parmonov D.R. «Doira va urma zarbli cholg'ulari» musiqa san'atining yorqın namoyondasi 75
Каримова И.И. Традиции испольнения музыки Каракалпакского композитора Гаип Демесинова 78

ATQARİWSHİLİQ ÓNERI

Erejepov A.A. Baqsıshılıq kórkem ónerinde dóretilgen qosıq hám namalarını jaslar tárbiyasındagı áhmiyeti 83
Tnıbaev P.K. Dirijyorlıq kórkem ónerinin túrleri hám evolyuciyası 87
Шарипова А.Р., Сидикова А.М. К вопросу о фортепианном исполнительском искусстве в Узбекистане 92
Ayubov K.Z. Foniologiya va odam ovozi tasnifi 95
Ziyovutdinova Z.U. XIX asrning ikkinchi yarimida o'zbek xalq cholg'ulari ijrochiligi sohasidagi jiddiy o'zgarishlar 98
Dadaboyev X.M. Xalq cholg'ulari ansambllarini tashkil etish 100
Aliev N.G. Demli saz ásbaplar tariyxı, klassikalıq muzıka hám onıń búgingi kúndegi tutqan ornı 102

Saidxonov A.S. Cholg'u konsert janrı tarıxı va taraqqiyoti 105
Jumabaev A.E. Qaraqalpaq kórkem ónerinde xalıq namalı qosıqlarınm tutqan orm 110

MUZİKA PEDAGOGIKASİ

Xojanazarov T. Vokal pedagogikasındağı metodlardı zamanagóy pedagogikaga aylandırıw usılları 115
Ходжаметова Г.И. Задача обучения, воспитания и развития детей в музыкальной школе 117
Botirova X.T. Musiqa ta`limi pedagogikasida o`quvchi yoshlarni ma`naviy-axloqiy ta`lim-tarbiyasini shakllantirish 121
Saidumarov I. Ta`lim-tarbiya va shaxsning ma`naviy kamoloti xususuda sharq allomalarining qarashlari 124
Абдисултанов Ж.Дж. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида «Мусиқа адабиёти» фанини ўқитишда инновацион ёнлашув 128
Матёқубов Э.Г. Мусиқада модулли таълим асослари 131
Najmetdinova N.I. Maktabgacha ta`lim tashkilotlarida bolalarning mustaqil musiqiy faoliyatining ahamiyati va mazmuni 137
Iseev R.A. Fortepiano páninin jáhán muzıka oqıw procesindegi áhmiyeti hám orm 141
Dauletbaev T.K. Milliy saz ásbaplarm mektep oqıwshılarma úyretiwdin áhmiyeti 145

JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

Бекбергенова З.У. Қарақалпақ халық дәстаны «Қырық қыз» ҳәм ҳәзирги қарақалпақ драматургиясы 150
Утепова Т.Б. Маданиятлараро мулоҳот таҳлиллари Европа олимлари назарида 153
Жумашева А.Х. Интерактивные приёмы и формы проведения практических занятий 159
Саденова Г.П. Қарақалпақ паремиологиясында жақсылық концепти 163
Mambetnazarov M.K. Xoja Axmet Yassawiy hikmetlerinin jaslar tárbiyasındağı áhmiyeti 166
Марзияев Ж.К. Мақаланың публицистикалық сыпатламасы 169
Камалова Д.Э. Шыгарма композициясында турмыс шынлыгын сәўлелендириў шеберлиги 171
Мамбетназарова Р.К. Идейно-тематические особенности жанр путешествия в Каракалпакской литературе *(на примере «Путешествия в пять стран по океану» Тажена Изимбетова)* 175

JAS IZERTLEWSHILER

Paxratdinov J.A. Kóp qırlı talant iyesi 180
Jumamuratova A.A. Qaraqalpaqstanda Opera janrmın tutqan orm 181
Muratbaeva A.A. Jaslardın muzıkalıq intellektın asırıwda muzıka sınshısı Gúlmaryam Kamalovanın orm 185
Orazalieva G.S. Gúllengen dáwirde — Jana namalar (Jamil Charshemov dóretpeleri haqqında) 186
Segizbaeva G.Q. Qaraqalpaqstanda dáslepki muzıkalıq drama janrmın payda bolıwı 188

• Шифри 5150201 мусиқашунослик йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш; Республикамиз ҳудудларидаги мавжуд кадрлар масаласидаги вазиятларни инобатга олган ҳолда вилоятлар олий ўқув юртлари мусиқа йўналишларида ҳам «Мусиқашунослик (5150201)» мутахассислиги бўйича алоҳида қабул квоталарини ажратиш;

• Мусиқа ва санъат мактаби битирувчилари таълимнинг кейинги босқичи – иқтисослаштирилган санъат мактабларига кириш жараёнида ўз мутаҳассисликлари билан бирга «Мусиқа адабиёти» фанидан ҳам имтихон топширишларини йўлга қўйиш;

• Замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда турли услубларни қўллаб тезтез очиқ дарс, маъруза канцертлари шунингдек, ҳудудлар ва Республикка миқиёсида билимлар беллашувларини ўтказиб борилиши фан мавзуларини ўзлаштирилишига самарали ёрдам беришига умид богладик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Маданият ва санъат сохасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш – чора – тадбирлари тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев.Тошкент ш., 2020 – йил 26 – май, Президент фармони – 6000.
2. «БМСМ ларнинг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014-йилларга мўлжалланган давлат дастури тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ. Тошкент ш., 2008 – йил 8 – июль, Президент қарори – 910.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. I жилд. Тошкент., Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрёти, 2000.
4. ***Лагутин А.*** Методика преподавания музыкальной литературы в детской музыкальной школе. – М., Планета музыки, 2016. 5. БМСМ учун «Мусиқа адабиёти» фани дастури. Тошкент., 2019.

МУСИҚАДА МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ АСОСЛАРИ

Матёқубов Э.Г.

Урганч давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада модулли таълим тизими ва унинг аҳамияти, афзалликлари, таълим олувчиларнинг ундаги фаолияти ёритилган. Ўқув элементининг тузилиши ва тартиби акс эттирилган.

Калит сўзлар: модулли таълим, модулли дастур, модулли дарс, мотивация, ўз-ўзини назорат,субъект, объект.

Аннотация: В данной статье рассказывается о модульной системе обучения и ее значении, преимуществах и деятельности обучающихся в ней. Отражена структура и порядок воспитательного элемента

Ключевые слова: Модульное обучение, модульная программа, модульный урок, мотивация, забота о себе, тема, объект.

Annotation: This article describes the modular system of education and its meaning, the benefits and activities of students in it. Reflected the structure and order of the educational element

Keywords: Modular learning, modular program, modular lesson, motivation, self-care, topic, object.

Мехнат бозоридаги ўзгарувчанлик профессионал таълимдаги вазиятни янгиланишга олиб келмокда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, хозиги замондаги таълим масканларининг вазифаси фақатгина умумий таълим ёки бутун умрга керак бўладиган касбни беришгина қолмасдан, балки таълим олувчиларни кейинги таълим ёки хаётий фаолият давомида эгаллаши лозим бўлган янги

технология, техника, малакасини ошириш ва янги мутахасисликларни эгаллашга йўналтириш бўлиши лозим.Замонаваий профессионал таълим жараёнларининг ўзгаришлари инновацион таълимнинг тузилиши, фаолият шаклларига боглиқ бўлиб қолмоқда ва бунинг натижасида мутахасисларнинг касбий ва умумий компетенцияларига қўйилган талаб ўзгармоқда.

Бу талабларни амалда бажариш мумкин бўлган таълим шакли бу модулли таълимдир. Унинг умумий кўриниши шундан иборатки, бу жараёнда таълим олувчилар модул устида ишлаганда таълимий мақсадларига мустақил эришишларига имконият пайдо бўлади.Модулли таълим тизими таълимий мақсадлар, вазифалар кўрсатилган ўқув материали ва вазифаларни бажариш буйича йўриқномаларни бирлаштириш натижасидаги фаолиятни ўз ичига олади. Ахир бугунги ёш қизлар ва ўгил болалар учун бу муҳим, чунки уларни хамма нарсани ўзи бажара олиши лозим бўлган мустақил хаёт кутмоқда. Модулли таълимнинг бугунги кундаги замонавий таълим соҳасидаги бир тури – масофавий таълимдаги ўрни ниҳоятда катта. Шунинг учун кўпгина ривожланган давлатлар таълимда модулли тизимдан фойдаланиб келмоқда. Жумладан бизнинг давлатимизда ҳам модулли тизимнинг имкониятларидан кенг фойдаланишга бўлган уринишларни чоп қилнган ва қилинаётган маълумотларда кўришимиз мумкин.

Модулли таълим технологиясининг имкониятлари чексизлиги сабабли, бу «таълим берувчи-таълим олувчи» жараёнида марказий ўринни таълим олувчи эгаллаган бўлиб, таълим берувчи эса таълим жараёнини бошқаради – мотивациялайди, йўналтиради, ташкиллаштиради, маслаҳат беради, назорат қилади. Модулли технологияларни амалда қўллаш эркинликни, ривожлантиришга имкон беради, режалаштиришни ва фанни ўзлаштиришни назорат қилиш ва ўз-ўзини бахолашни ривожлантиради.

Бу технологиянинг асоси – модул. Модул — бу мақсадли функционал қисм бўлиб, унда фаннинг умумийлиги(моҳияти) ва уни эгаллаш технологияси акс эттирилади.

Модулли таълим технологиялари педагогик назария ва амалиётнинг энг яхши гояларини ўз ичига олган. Хусусан, дастурли таълимдан-харакатлар кетма-кетлиги, эркин холдаги таълим тезлиги(яъни қобилиятга қараб- тез ёки секинроқ) ва ўз-ўзини назорат мажбурийлиги; босқичма-босқич ақлий харакатларни шакллантириш назариясидан – мўлжалли харакатлар асоси; кибернетик ёндашувдан – эгилувчан таълимий бошқарув; психологиядан эса – рефлексли ёндашув.

Модулли таълимнинг асоси шундан иборатки, модул билан ишлаш жараёнида таълим олувчи мустақил ёки таълим берувчи билан таълим олиш фаолиятидаги аниқ мақсадларга эришади.

Ўқув жараёнига модулларни мақсадли равишда, аста-секинлик билан киритилади: Модулли таълим аввалambор, болаларни ўқув жараёнида фаоллаштириш, ўқув фанининг тузилиши (умумийлиги)ни тез ва сифатли эгаллаш йўлларини ўрганиш ва таълим олувчиларда режалаштириш, ўз-ўзини назорат, тахлил қилишни ривожлантиришга мўлжалланган.

Модулли технологияларнинг авзаллик томонлари:

1. Модулли таълим технологиялари таълим олувчиларнинг ўқув жараёнини умумийлаштиришга, шахсий ҳислатларни ва тушиниш хислатларини бутун бир жараён сифатида ривожлантиришга ёрдам беради.

2. Модулли таълимнинг мақсади – талим олувчиларнинг мустақил бўлишларига, ўқув материаллар билан индивидуал ишлаш турларини шакллантиришга кўмаклашишдан иборат(таълимни индивидуаллаштириш ва дифференциялаш)

3. Модулли таълимда ўз-ўзини бахолаш қўлланилиб, таълим олувчини ўз имкониятлари ва қилган иши натижаларини объектив бахолашга ўргатади. Таълим олувчи кўп вақт мустақил ишлайди, мақсадли ўқийди. Бу таълим жараёнида ўзини англашга, жараённи ўзи ташкил қилишга, ўз-ўзини бахолашга ва эгаллаган билим даражасини кўришга имкон беради.

4. Модулли технологияларни қўллаш умумтаълимий компетенциялар бўлган информацион, комуникатив, ўзи ўзи бошқарувчи, ўз-ўзини бахолаш компетенцияларни шакллантиришга

имкон яратади.

Модулли таълим технологияси эгалланган янги мавзунинг даражасини аниқлашга имкон беради ва таълим олувчиларнинг билимидаги бўшлиқни тезда аниқлашга ёрдам беради.

Модулли технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ қилишнинг асосий мотивацияловчи сабаби бу:

— ўқитилаётган таълимда мақсадларга эришиши;

— ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги қайтар алоқа;

— жуфликда, гурухда ишлаш имконияти;

— ўртоқлари билан мулоқот қилиш имконияти;

— таълимнинг даражасини танлаш имконияти;

— индивидуал ишлаш имконияти;

— таълимнинг якуний натижаларини эрта кўрсатиш;

— ўқув бимлимларни эгаллаш жараёнидаги «юмшоқ» назорат;

Модулли таълим технолияларининг бир элементи – модулли дастур.

Модулли дастурлар – бу таълим олувчиларнинг бирор бир мавзуни ўрганишдан иборат фаолият дастури, харакатлар кетма-кетлиги.

Модулли дастур ўқитувчи томонидан тузилади. Унда таълим мақсади ва хар бир мавзунинг, дарснинг кетма-кетлиги ёзилади. Бу дарс конспекти ёки ўқитувчи томонидан режалаштирилган ўқув материали эмас, балки таълим олувчиларнинг мазкур мавзу бўйича бажаридиган фаолиятлар кетма-кетлигидир.

Модулли таълимнинг бошқа бир элементи – модулли дарс.

Модулли дарслар жамланган ҳолда модулли дастурни ташкил қилади, аммо бу дегани модулли дастурдаги хамма дарслар модулли бўлиши керак дегани эмас.

Модулли дарс қуйидаги алгоритм бўйича тузилади:

— дарс мавзусини шакллантириш;

— дарс мақсади ва таълимнинг якуний натижаларини аниқлаш ва шакллантириш;

— Ўқув мазмунини мантиқий якунланган алоҳида ўқув элементлари (ЎЭ)га бўлиш ва уларнинг хар бирини мақсадини аниқлаш;

— керакли маълумотларни танлаш;

— таълим олувчиларнинг ўқув фаолият турларини аниқлаш;

— таъли ва назоратнинг турли шакл ва методларини танлаш;

Модулли дарсда хар бир ўқув элементи – бу дарс мақсадига эришишга қўйилган қадам бўлиб, уни эгалламасдан туриб, мақсадга эришиб бўлмайди.

Хар бир ЎЭ ўз мақсадига эгадир.Ўқув элементлари кўп бўлмаслиги керак, аммо қуйидаги кетма-кетликка риоя этилса мақсадга мувофиқ бўлади:

ЎЭ-О да таълим олувчи ушбу модул устида ишлаш жараёнида нималарга эришиш, яъни модулнинг аниқлаштирилган ўқув мақсадлари ёзилади. Мақсадлар аниқ ва лўнда ифодаланиш керак, чунки улар таълим олувчилар учун асос бўлиб, ишончли шакллантирилади. Модул-дарслар янги материал билан таълим олувчиларни олдиндан таништирилгандан кейин ўтказилади. Ҳар бир модулдан олдин таълим олувчиларнинг ишга тайёргарлиги ва уларнинг билим ва кўникмалари ҳақида маълумотга эга бўлиши учун кириш назорати (ЎЭ-1) ўтказиш керак. Шундан кейин таълим олувчилар янги материални мустаҳкамлашга киришадилар (ЎЭ-2,3,....). Ушбу ўқув элементларида қўйилаётган масала ва мисолларнинг, муаммоли топшириқларнинг ҳажми, тузилиши, улар мазмунининг мураккаблик даражасини аниқ ўйлаб тузиш, таълим олувчиларнинг мантиқий имкониятларини ҳисобга олиш керак. ЎЭ-2,3,4,...-бу ўзининг мазмуни бўйича масалалар тизимидан иборат, шунинг учун масалалар тизимига қўйиладиган талабларни инобатга олиш талаб этилади. Модулга катта ҳажмли масалаларни киритиб бўлмайди, чунки таълим олувчи машгулот давомида барча топшириқларни бажаришга ҳамда ўз-ўзини назорат қилишга улгуриши зарур. Ўқитувчининг вазифаси таълим олувчиларнинг юқори суръат ва жадаллик билан ишлашига шароит яратиб беришдир.

Вазифалар турлича бўлиб, уруҳдаги таълим олувчиларнинг аксарияти маълум бир вақтда уларни ҳал қилишга улгуришларини ҳисобга олиш керак. Лекин уларнинг қуйи чегараси таълим стандартлари талаблари чегарасида бўлиши талаб этилади. ЎЭ-2,3,4,.... вазифаларни бажариш жараёнида жорий назорат амалга ошириб борилади. Модулнинг охирги элементида чиқиш назорати ўтказилади

Модулли дарснинг тузилиш:

Ўқув элементи рақами	Ўқув элементи номи. Ўқувчилар учун мақсад ва вазифалар шакллан-тирилади	Таълимни бошқариш. (мазмуни, шакли, методлари)	Тавсиялар (қандай бажариш керак?)	Муддати. Қандай бажарилиши кераклиги. Ишни этолон ва калит бўйича баҳолаш.
ЎЭ – 0	Модулнинг мақсад ва вазифалари. Мақсадларнинг долзарблиги	Методик рахбарлик (бошқариш)	Керакли билим ва кўникмалар	керакли билим ва кўникмалар
ЎЭ – 1	Ўқув модули. Ўқув элемент мақсади	Кириш назорати		
ЎЭ – 2	Умумлаштириш. Ўқув элемент мақсади	Маълумот манбаи, алгоритмлар, массалалар ечиш	Ўқув (таълимий) маълумотларни тушунтириш	
ЎЭ – 3,4...	Назорат (ўз-ўзини назоратуч даражали чиқиш (якуний) назорат)			Этолон ва калит бўйича назорат

Қуйида мусиқа назарияси дарсининг «интервал» бўлимидаги модуллардан бири келтирилади. Бу «диотоник интерваллар» мавзусидаги дарс.

Хар бир ўқувчига вазифалар кетма-кетлигидан иборат технологик харита тарқатилади. Мустақил ишларини бажаришлари учун зарур бўладиган қисқа йўриқнома бир минутдан кўп бўлмаган вақтда ўтказилади, чунки керакли маълумотлар тарқатма материалларда ўз аксини топган. Қуйида технологик харита келтириб ўтилади.

«Диотоник интерваллар» мавзусини ўрганишдаги технологик харита

Ўқув элементи (ЎЭ-0)

Иш (дарс)нинг якунида (натижасида) ўрганилиниши лозим:

— икки товуш нима учун интервал бўлиши;

— гармоник ва мелодик интервал фарқи;

— интервал асоси ва чўққиси;

— интерваллариинг сон ва сифат миқдори;

— оддий интерваллариинг тузилиши;

— оддий (диатоник) интерваллар;

Вазифаларни бажараётганда ўқувчи билиши керак:

— маълумотларни тахлил қилиш;
— мавзуга оид режа ва тестлар тузиш;
— маълумотларни умумлаштириш ва хулосалар чиқариш;
— бошқа(синфдош)лар жавобларини бахолаш;
— қўйилган саволларга жавоб бериш;

Мавзуни ўзлаштириш манбалари:

1. Мусиқа назарияси дарслиги.
2. Диотоник интерваллар жадвали(плакати).
3. Ишчи дафтар

Ўқув элементи – 1 (ЎЭ-1)

Интервалларнинг асоси ва чўққиси

1. Интервал ми-ля товушлари мисолида асоси ва чўққисини ажратиб кўрсатиш.
2. Дарсликдан фойдаланган ҳолда «нимага» ва «қаёрда» сўзлари иштирокида матнга оид иккта савол тузиш.
3. Жуфликда ишлаш. Ўз саволларингни дўстинга бер. Дўстинг саволларига жавоб беришга харакат қил.
4. Ишчи дафтарда «интервал асоси ва чўққиси» режа туз

Ўқув элементи – 2 (ЎЭ-2)

Интервалларнинг сон ва сифат миқдори дарсликлардаги маълумотларга таяниб, қуйидаги тестларга жавоб бериш:

1. Интервалларнинг сон миқдори бу –
а) интервалларнинг погона миқдори;
б) интервалларнинг тон миқдори;
д) интервалларнинг узунлик миқдори;
2. Интервалларнинг сифат миқдори бу:
а) интервалларнинг погона миқдори;
б) интервалларнинг тон миқдори;
д) интервалларнинг узунлик миқдори;
3. Агар секунда- иккинчи погона бўлса, ток рақамли погоналар бу:
а) прима, терция, кварта, септима;
б) прима, кварта, квинта, септима;
д) прима, терция, квинта, септима
4. Ми товушидан секста чўққисини тузиб, ундан терця пастга тушилса-
а) си товуши пайдо бўлади;
б) ля товуши пайдо бўлади;
д) сол товуши пайдо бўлади;
5. Фа товушидан юқорига ва пастга кич.6 тузилса:
а) юқорида ре товуши, пастда эса сол товуши пайдо бўлади;
б) юқорида ре бемол товуши, пастда эса ля товуши пайдо бўлади;
д) юқорида ми товуши, пастда эса сол товуши пайдо бўлади;
6. Интервалларнинг сон ва сифат миқдори бўйича иккита тест тузиш. Тестларни ёнингдаги дўстинг билан алмаштир. Тестларни ишла.
7. Интервалларнинг сон ва сифат миқдори бўйича хулосалар қил ва ишчи дафтарга ёз.

Ўқув элементи – 3 (ЎЭ-3)

Диатоник интерваллар

1. Диатоник интерваллар мажор ёки минорнинг қайси турларининг погоналари орасида ҳосил бўлади? Буни (ёнингдаги) дўстинг билан муҳокама қил.

2. 14та диатоник интервалларни ишчи дафтарга ёз ва нечта кичик, катта ва соф интерваллар борлигини ҳисоблаб чиқ.

3. Диатоник интервалларни тузишда аввал сифат миқдори аниқданадими ёки сон миқдори? Буни ишчи дафтарга ёз.Шу саволни дўстинг билан муҳокама қил.

4. Қуйидаги диатоник интервалларни аниқда:

1-қатор



2-қатор



5. D – dur тоналлигида барча диатоник интервалларни тузиш. (Эслатма: D – dur тоналлигида фа ва до погоналарида диез бўлганлиги учун, уларни фа диез ва до диез шаклида ишлатиш лозим. Бошқа диез ёки бемолдан фойдаланиш мумкин эмас.) Ўзинг ёзганни дўстинга бер. Дўстинг ёзганини текшириб хатоларни муҳокама қил.

Ўқув элементи – 4 (ЎЭ-4)

1. Солфеджио дарслигидан 5 та диатоник интервалларни топ ва ишчи дафтарга ёз.(Масалан: Н.Ражапова №22, 7-такт ми-до кич.6; №30, 2-такт ре-ми кат.2 ва хоказо.) Ёзганингни дўстинга бер. Дўстинг ёзганини текшир. Хатоларни мухокама қилинглар.

2. Хар хил диатоник интерваллар билан бошланадиган 5та куй-қўшиқлар мисолларини келтириш.

Ўз-ўзини назорат (қилиш)

1. Интервал чўққиси билан асосининг бир-биридан фарқи нимада.
2. Диатоник интервалларда нечта кичик интерваллар бор ва улар қайсилар.
3. Диатоник интервалларда нечта катта интерваллар бор ва улар қайсилар.
4. Диатоник интервалларда нечта соф интерваллар бор ва улар қайсилар.

Ўз-ўзини бахолаш ва хатоларни тўғирлаш.

Ўқув мақсадларига қайтиб, бажарган ишларингни баҳола: мавзуни қанчалик ўзлаштирдинг

а) хаммасини тушундим, мавзуни бошқа бировга тушинтиришим мумкин (5 балл)

б) хаммасини тушундим, аммо бировга тушинтира олмайман (4 балл)

д) мавзуни тўлиқ тушиниш учун мавзуни қайта такрорлашим керак (3 балл)

е) хеч нарсани тушинмадим

Модулли дарс бугунги таълимнинг замонавий талабларидан бири бўлган таълим олувчиларнинг фикр юритиб мустақил қарор қабул қилиши, кўпроқ ва мақсадли таълим олиш фаолияти, ўз-ўзини назорат – бахолаш, вақт ва имкониятларини тўгри тақсимлашни ривожлантиришга қаратилган. Хозирги кунда бу тизим кўпроқ маълум бир фанларнинг дарс машгулотларида қўлланилмоқда. Ўйлайманки, келажакда модулли тизим нафақат фан ўитишда, балки касб-хунар ўргатиш тизимида ҳам ўз авзалликларини намоён этади. Чунки ривожланган давлатларда таълим асосан модуллар асосида ўргатилина ва тушунтирилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». – Т.: «Шарқ». 1997.
2. ***Авлиёқулов Н.Х.*** Касбий фанларни модулли ўқитиш технологияси. – Т.: «Янги аср авлоди». 2004.
3. ***Олимов Қ.Т.*** Педагогик технологиялар. – Т.: «Фан ва технология». 2011.

4. ***Сафарова Р.Г. ва бошқ.*** Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлашнинг назарий-методологик асослари. / Монография. – Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2015.

5. ***Сафарова Р.Г. ва бошқалар.*** Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларни фанлар кесимида таснифлаш. / Методик қўлланма. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2016.

6. www.ziyonet.uz.

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARNING MUSTAQIL MUSIQIY FAOLIYATINING AHAMIYATI VA MAZMUNI

Najmetdinova N. I.

Urganch davlat universiteti

Annotatsiya: Mazkur maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarning mustaqil musiqiy faoliyatining ahamiyati, turlari va tashkil etish shakllari to'g'risida bayon etilgan.

Kalit so'zlar: mustaqil faoliyat, musiqa ijodkorligi, kontsert, spektakl, bayram, ko'ngilochar tadbir, rolli o'yin

Аннотация: В данной статье описаны значение, виды и формы организации самостоятельной музыкальной деятельности детей в дошкольных образовательных организациях.

Ключевые слова: самостоятельная деятельность, музыкальное творчество, концерт, спектакль, праздник, развлечение, ролевая игра

Annotation: This article describes the meaning, types and forms of organization of independent musical activity of children in preschool educational organizations.

Keywords: independent activity, musical creativity, concert, performance, holiday, entertainment, role-playing game

Bolani maktabga tayyorlash, uni faol, ijodiy, ongli ravishda harakat qilishga o'rgatish demakdir. Bunga asosan bolalar bog'chasida mustaqil badiiy faoliyatni rivojlantirish uchun to'g'ri tashkil etilgan ish yordam beradi: teatrlashtirilgan o'yinlar, tasviriy, badiiy nutq va musiqa.

Mustaqil ijodiy faoliyat bolalarning turli xil san'at turlari (rasm chizish, qo'shiq aytish, she'r o'qish va boshqalar) bilan bog'liq harakatlarini birlashtiradi, ularning har biri o'zining mustaqil rivojlanishiga ega.

Mustaqil musiqiy faoliyatda bolalar o'z tashabbusi bilan qo'shiq aytadilar, bolalar musiqa cholg'ularida yengil ohanglarni va oddiy raqslarni ijro etadilar. Ularning o'zlari «konsertlar», «teatr tomoshalari», «spektakl» (o'yinchoqlar, qo'g'irchoqlar bilan) o'yinlarini tashkil qilishlari mumkin.

Bolalar musiqa ijodi bolaning musiqani o'zi boshqarishi – cholg'uda ijro etishi, qo'shiq aytishi, raqsga tushishi, biror narsani takrorlashi yoki yaratishi kerakligi bilan tavsiflanadi. Bolalar faoliyatini tavsiflash uchun quyidagilarga e'tibor qaratish lozim: ular musiqiy ta'surotlarini oladigan manba; ba'zi qo'shiqlarni, har qanday faoliyat turini afzal ko'rgan bolalarning qiziqishlari; mustaqil faoliyatni tashkil etish shakllari.

Bolalar musiqa ijodining paydo bo'lish manbai, eng avvalo, musiqa mashg'ulotlari hisoblanadi. Bunda bolalar qo'shiqlar, o'yinlar, raqslar repertuarini o'rganadilar. Ular mustaqil harakat qilishi uchun muntazam ravishda rag'batlantiriladi. Bolalar mashg'ulotda olgan bilimlarini mustaqil faoliyatda qo'llaydilar. Masalan, mashg'ulotda bolalar ko'pincha cholg'u jo'rligida qo'shiq aytadilar. Ammo agar ular jo'rsiz qo'shiq aytishga o'rgatilsa, ular musiqiy cholg'u yordamisiz o'z xohishlariga ko'ra kuylashlari mumkin.

Ko'pchilik bolalar musiqa ostida yurishni, raqsga tushishni, yaxshi ko'radilar. Ammo agar bolalar raqsni, marshni ohangini kuylashni o'rgansalar, ular kattalarning yordamisiz o'zlarining harakatlariga